

МУГАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 1 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ

Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ

Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ

Өсербай ӨЛЕҮОВ

Асқар ДЖУМАШЕВ

Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ

Гулнара ЖУМАШЕВА

Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ

Амангелди КАМАЛОВ

Сарсен КАЗАХБАЕВ

Гулмира КАРЛЫБАЕВА

Сабит НУРЖАНОВ

Уролбой МИРСАНОВ

Арзы ПАЗЫЛОВ

Зухра СЕИТОВА

Айдын СУЛТАНОВА

Тажибай УТЕБАЕВ

Ризамат ШОДИЕВ

Ойбахор ШАМИЕВА

Бекзод ХОДЖАЕВ

Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ

Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестириўшилер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хәм
хабар агентлиги тәрепинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жуўан қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм узликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлұматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲАМ ЭДЕБИЯТ

Отажанов Н., Казакова Р. «Бобурнома»ни рус лаҳжасига ўгиришдаги дастлабки тажриба ва таржималар	4
Усмонова М.Б. Адабиёт дарсларида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш йўллари	10
Mamashajeva M. Die bedeutung und das gebrauch der it beim sprachlernen	13

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Асқарова Ў.М., Раҳимова Д. Ота-она қаримоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда маънавий кадриятларнинг ўрни	17
Абдуллаев Ғ.Р., Жаббарова Д.З. Oila muhitining bola rivojlanishidagi o' rmi va shart-sharoitlarning bola psixikasiga ta' siri	20
Пазылова М.Е. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим жараёнида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг дидактик шарт-шароитлари	25
Муртозаева М.М. Бўлажак педагогларни таълим-тарбия жараёнига тайёрлаш ва экологик компетентликни ривожлантиришнинг механизмлари	31
Sobirova M.Y. Antroposentrik yondashuv asosida o' quvchilarda kommunikativ kompetensiyani rivojlantirish	34
Қурбонова Б.Қ. Ҳамкорлик педагогикаси асосида талабалар билан таълим-тарбия жараёнида ўзаро биргаликдаги фаолият механизмини ривожлантириш	38
Супиева Б.А. Малака ошириш тизимида давлат (ўзбек) тили модулини ўқитишда замонавий ўқув-услубий мажмуалардан фойдаланиш зарурияти	42
Иргашова М.А. Замонавий раҳбар бошқарув фаолиятининг самарадорлиги	45
Гуламова Н.Г. Талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш	48
Tojiboyeva S.X. Biologiya fani darsligida abu ali ibn sino ilmiy merosidan foydalanishning mazmun mohiyatini va tahlillari	52
Mamatxanova N.T. Bo' lajak o' qituvchini ijtimoiy-pedagogik faoliyatga tayyorlash zaruriyati ..	55
Ортиқова З. Замонавий оилга хос тенденциялар	58
Самижонова М. Талабалар илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш йўллари	62
Қосимова Г. Бўлажак чет тили ўқитувчиларининг методик тайёргарлигининг ривожлантиришда лойиҳа усулидан фойдаланиш	66
Ювашов Ш.Ў. Мактаб таълимида ўқувчиларга юксак ахлоқийлик фазилатларини ўргатишда Япония тажрибаси	68
Jalolova F.M. O' quvchilar tayanch kompetentligini shakllantirishda PISA xalqaro baholash dasturining ahamiyati	72
Rustamova L.I. O' quvchilarda kreativlik qobiliyatni rivojlantirish omillari	75
Qirboeva N.T. O' quvchilarda tolerantlik va millatlararo muloqot madaniyatini rivojlantirishning ahamiyati	77
Пардаева Д.Р. Талабаларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг усуллари	81
Malikova D.M. O' quvchilarni mutolaa vositasida muloqot ko' nimalarga o' rgatish	83
Shomurodov J. O' quv materiallarini strukturalash asosida o' quvchilarning kognitiv qabul qilish imkoniyatlarini kengaytirish	86
Berdieva H.B. Bo' lajak boshlang' ich sinf o' qituvchilarning ijtimoiy-madaniy kompetentligini shakllantirish mezonlari	89

Шахмурова Г.А., Тулаганов Д. Д. Вектор и перспективы развития биологического образования в Республике Узбекистан	93
---	----

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИҚ ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Urazimbetov A. B. Milliy g'urur: anana va innovatsiyalar	100
Abduraxmonova D.K. Muharrirning Bobur portretiga oid qaydlari	103
Мўминов З.О. Ички миграция жараёнида мигрантлар моддий эҳтиёжи ва қариндош-уруғчиликнинг ўзаро алоқадорлиги	106

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Джумагулов З.У., Бердимбетова А.Д. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш технологиялари	111
Мухитдинова Ж.Р. Технология дарсларида ўқувчиларни техник фикрлаш қобилиятларини келажак касблари бўйича шакллантириш усуллари	115
Зарипов О.К. Электрон таълим муҳитида интерактив таълим ресурсларини яратишнинг ташкилий тузулмаси	120

БАСЛАЎШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Ташибекова М.Х. Бошланғич синф ўқувчиларида ўқув-билув компетенциясини шакллантиришда STEM технологиясининг педагогик хусусиятлари	124
Эргашева Г.Н. Мактабгача таълим ташкилотларида инглиз тилини ўргатишнинг методик таъминоти самарадорлиги	128
Хурвалиева Т.Л. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш моделининг инновацион тузилмаси ва мазмуни	133
Ergasheva X.Y., Maxsuthodjayev M. Maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarbiyalanuvchilarining yoshga doir psixologik xususiyatlari	137
Ачилова С.Ж. Дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болаларда нутқнинг фонетико-фонематик жиҳатдан ривожланишининг ўзига хослиги	141

ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲАМ СПОРТ

Дехкамбаева З.А. Ёшларни жисмоний тарбия ва спорт воситасида тарбиялашнинг хусусиятлари	148
Маматқулов М.Х. Имконияти чекланган ўсмирларда жисмоний сифатларнинг шаклланишида спорт тўғрақларининг аҳамияти	151
Achilov T. S. Kurash falsafasi va uning pedagogik ahamiyati	154

ДИЗАРТРИЯ НУТҚ НУҚСОНИГА ЭГА БЎЛГАН БОЛАЛАРДА НУТҚНИНГ ФОНЕТИКО-ФОНЕМАТИК ЖИХАТДАН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Ачилова С.Ж.

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Дефектология”
кафедраси педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Таянч сўзлар: фонема, дизартрия, товуш, талаффуз, логопедия, иннервация, фонологик.

Ключевые слова: фонема, дизартрия, звук, произношения, логопедия, иннервация, фонология.

Key words: phoneme, dysarthria, sound, pronunciation, speech therapy, innervation, phonology.

Бугунги кунда учинчи Ренессанс даврида ўсиб келаётган ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш масаласини ҳал этишда жаҳоннинг илғор ғоялари ҳамда миллий кадриятларга асосланган ислохотлар тизимли олиб борилмоқда. Хусусан, она тилини самарали ўргатиш, ёшларда нутқ маданиятини шакллантириш, давлат тилида муваффақиятли иш юритиш каби кўникмаларни шакллантиришда мактабгача ва мактаб таълимини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўсиб келаётган ёшлар орасида турли нутқ камчилигига эга болалар ҳам мавжуд бўлиб, улар томонидан ўқув фанларининг самарали эгалланишига эришишда ҳамда уларни мустақил ҳаётга тайёрлашда коррекцион ишларни эрта ва методик жиҳатдан тўғри олиб бориш юзасидан илмий тадқиқотларга устуворлик берилмоқда.

Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда учрайдиган нутқ камчиликларини ташхислаш, уларни бартараф этишда логопедик хизматни ташкил этиш бўйича хорижий ва миллий маҳсус педагогикада илмий изланишлар олиб борилган. Ушбу тадқиқотлар мазмунида нутқ камчиликлари орасида дизартрия оғир нуқсон сифатида қайд этилади. Чунки ушбу нутқ камчилиги оқибатида болаларда товушлар талаффузи бузилади. Товушларни ноаниқ талаффуз қилиш эса нутқнинг тушунарсизлигини келтириб чиқаради. Бу ҳолат болаларда турли психологик ноқулайликларни юзага чиқаради. Натижада болалар нафақат атрофдагилар билан мулоқотда чекланган тарзда, балки атроф, оламни англаш, ўқув фанлари мазмунини ўзлаштириш жараёнида ҳам пассивликни намоён қилади.

Дизартрия нутқ камчилигига эга болаларда нутқ фонетико-фонематик жиҳатдан ўзига хос тарзда ривожланади. Чунки нутқ аппарати ҳолати ва фаолияти товушлар талаффузини қийинлаштирибгина қолмай, уларнинг эшитиб идрок этилишига ҳам салбий таъсирини кўрсатади. Маълумки, товушлар нутқнинг энг кичик бирлиги сифатида сўзлар ва сўз бирикмалари ҳамда жумлаларнинг эшитилишида, маъно жиҳатидан тушунилишида алоҳида ўрин тутади.

Фонема (юнонча. phoneme – товуш) – тил товуш қурилишининг маъноли бирлиги – морфемаларни таниб олиш ва фарқлаш учун хизмат қиладиган фонетик бирлик.

Дизартрия – бу нутқ аппарати иннервациясининг органик бузилиши оқибатида юзага келадиган нутқнинг талаффуз томонидан бузилиши ҳисобланади.

Дизартрия нутқ камчилигининг енгил даражаси билан ишлашнинг илк тавсиялари 1969 йилда О.А.Токарева томонидан таклиф этилган. Енгил даражадаги дизартрияда товушларни алмаштириш, товушларнинг бузилиши, дикциянинг ёмонлиги, нутқ ифодалилигининг яхши ривожланмаганлиги асосий симптомлар ҳисобланади.

Махсус педагогик адабиётларда тилга олинадиган фонетико-фонематик нуксонларни ўрганиш бўйича ёндашувлар методологиясини аниқлашда «товушларни талаффуз этишдаги нуксон» атамаси муҳим ўрин тутаетди, шунинг учун, аввало, «тил» ва «нутқ» тушунчалари ўртасидаги фарқланишни эътиборга олиш лозим бўлатди.

“Нутқ функцио–нал тизимининг фонетик ва фонологик бирликлари тўғрисидаги ҳамда интегратив фаолиятда бўлгани каби, нутқий ифоданинг асосида мураккаб дифференциал иерархик бирлашган динамик, марказлараро муносабатлар ётади, нутқ ва ундаги нуксон структураси, шунингдек, коррекцион-логопедик таъсир жараёнини тизимли ташкил этиш тамойили тўғрисидаги ўзига хос механизмлар, замонавий тасаввурлар амалиётда тез-тез ишлатилади.”

Дизартрия нутқ нуксонига эга бўлган мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар нутқининг фонетик ва фонологик даражасини тадқиқ қилиш учун бизга муҳим бўлган қуйидаги қоидалар намоён бўлатди. Узлуксиз синтетик ва таҳлилий структура бўлиб, организмни атроф муҳит билан ўзаро боғловчи икки восита билан мутаносиб ҳисобланади.

Марказий ва периферик нерв тизимининг бузилиши унга қарама-қарши бўлган ташки ўзаро ички алоқадорлик структура механизми (синте–тик ва таҳлилий); нутқ–тил тизимининг моторли ва сен–сорли компонентлари ўртасидаги ички алоқадорлиги; организмнинг атроф муҳит билан алоқадорлиги бузилишига олиб келаетди. Бундай ҳолатда ўз–ўзини тартибга солувчи нутқ механизми «ҳаракатсиз» жараёнда қолатди. Оғзаки нутқнинг ўзини–ўзи ривожлантириш жараёнидаги кўплаб хилма-хил бузилиш жараёнлари дизартрия нутқ нуксонини ҳисобланади. Дизартрия нутқ нуксонига ўзини–ўзи тартибга солиш механизми амалга ошмайди, нутқни шакллантирадиган восита артикуляцион нутқ аппарати мускуллари иннервация бўлиб органик нуксон ва артикуляцион моторикада бузилишга олиб келувчи, босқичма–босқич, бир босқичдан бошқасига ривожланиб борувчи, товуш чиқаришни эгаллаш нуксонига олиб келиши тайин бўлган диспраксия юзага келаетди.

Фонетик ходиса синтетик структурага мансуб нутқ фонологик таҳлилийдир.

Е.Н.Винарская тилнинг фонетик (сенсомотор) ва фо–нологик (тил) даражасида қабул қилнишини алоҳида кўрсатиб, уларнинг ўзаро ҳамкорликда ҳаракатланишини таъкидлайди. Шу тариқа, талаффуз қилинадиган товушларнинг моторли ҳаракатли босқичида ушбу тилнинг фонетик қонуниятини эътиборга олувчи кинетик дастур яратилади. Талаффуз қилинувчи товушларнинг ҳаракатли кинетик дастурининг яратилиши кинетик ва эшитиш образлари бўлган сўзлар

асосида амалга оширилади ва қабул қилишнинг сенсорли-перцептив даражаси ва кинестетик таҳлил ва синтез сақланишини назарда тутлади. Бу босқич нутқ орқали талаффуз қилинадиган товушларнинг тугилиши лингвистлар томонидан кўриб чиқилмайди, ҳолбуки, нутқни амалга ошириш фаолиятини аниқловчи ва сезиларли даражада унинг специфик белгиларини билдирувчи хусусиятга эгадир. Бу ҳодисанинг спецификасини (нутқ фаолиятининг ташки талқинини) Л.С.Выготский шундай таърифлайди: «Тадқиқотлар далолат қилишича, нутқнинг ички, маъноли, семантик жиҳати нутқнинг товушли, фонемалар жиҳатидир, ҳолбуки, ҳақиқий бирликни шакллантиради, лекин уларнинг ҳар бири ўзининг ўзига хос қонуниятларига эга.»

«Жонли» сўзлашга бўлган доимий қизиқиш, нутқ товушларининг физиологияси ва акустикасини ўрганишга бўлган эҳтиёж нутқ товушлари орасида пайдо бўлувчи, функционал муносабатлар (сўзларни ажратиш қобилияти) асосда бериладиган нутқнинг товуш қурилиши ва акустик- артикуляция ва функционал-тил аспектларини бир қатор филологлар тушунчаларини ўз ичига олган ва фонема бирлиги сифатида номланадиган фонологик даража бирлигини ўрганувчи махсус лингвистик фан – фонетиканинг алоҳида фан сифатида шаклланишига олиб келди.

Замонавий фонема тушунчаси ўтган асрнинг 70-80 йилларида вужудга келган, уни И.А.Бодуэн де Куртенэ ишлаб чиққан. Бу олим нафақат «харфни» ва «товушни», балки «товуш» ва «фоне-ма»ни фарқлаш заруратини асослаган, фанга «жисмоний (физик) фонетика» ва «психофонетика»ни киритган.

Т.В.Щерба И.А.Бодуэн де Куртенэнинг таълимотини ривожлантириб, фонемаларни аниқлашнинг функцио-нал ёндашувини фанга киритди ва «хар бир тилнинг (нутқ) барча фонемалари ўзаро қарама-қарши бўлган ягона тизимни ҳосил қилади, бунда ҳар бир аъзо турли қарама-қаршиликлар сифатида алоҳида фонема тизимни аниқлайди, худди шундай гуруҳини ҳам» деб эътироф этди. «Фонема» атамаси асосий назарий манфаат бўлган И.А.Бодуэн де Куртенэ томонидан ишлаб чиқилган концепция йўналишидаги илмий тадқиқот марказида фонеманинг ўзи, унинг физик (жисмоний) ва психологик муносабатлар ётади. Кейинроқ, 30-йиллар охириларида келиб фонема тушунчасининг психо-логиядан ажратилиши туфайли «психофонетика» фонологияга кўчиб ўтди, бу ерда товуш ва унинг физик реаллиги тил бирлиги ҳисобланмаслиги тўғрисидаги қоида талаб қилинди. Шу билан товуш ва фонема тушунчалари қарама-қаршилиги юзага келди. Фонемалар бир-бирига қарама-қарши хусусиятлари билангина эмас, балки нисбий сифати жиҳатидан ҳам аниқланади. «Фонемалар – бу аввало, оппозитивдир, нисбий ва салбий моҳиятга эга». Фонемалар артикуляци-он ёки акустик терминларда ифодаланувчи бир ёки бир неча белгисига кўра қарама-қарши қўйилади. Р.Якобсон фонемани дистинктив белгилар (терминологияда Ф.де Соссюр - «дифференциал элементлар» («e'le'ments diffe'rentiels»)) мажмуи ёки тўплами деб белгилашни тавсия этади.

Фонеманинг таърифланишини бугунги кунда умумэътироф этилган деб ҳисоблаш мумкин. И.А.Бодуэн де Куртенэ томонидан ишлаб чиқилган фонема тушунчаси, кейинчалик В.А.Богородицко, Т.В.Щерба, М.И. Матусевич,

Л.Р.Зиндер, Р.И. Аванесов, А.А.Реформаторский, М.В. Панов, Л.В. Бондарко ва бошқаларнинг тадқиқотларида акс этган.

Фонеманинг замонавий назарияси икки йўналишга эгадир, аниқроғи объектга нисбатан икки фарқли жиҳатга эга бўлган қарашдир. Фонема товушларини физик идентификациялаш борасида шундай фикрлар келтирилади «...ўзида фонетик ўхшаш товушлар ёки товуш турини намоён этувчи нутқнинг алоҳида бириги-дир; бундай ёндашувда ... фонемани қўллаш ва фаолият кўрсатишининг асосий контексти фақат фонетик сўз ҳисобланади. Фонемани ўрнатиш механик жараёнга айлантдирилади». Фонематик тинглашни рўёбга чиқариш босқичи таҳлили Н.Х.Швачкинанинг илмий изланишларида тилга олинган. Олим бу ерда фонемани қабул қилишнинг муҳим қонуниятини кўрсатиб берган. Унлиларни қабул қилишда онтогенетик ривожланиш жараёнида, аввало, тилнинг кўтарилиши бўйича, кейин эса ёнламасига қарама-қарши қўйилиши шакллантирилади. Ундош фонемаларни қабул қилиш тартиби қуйидаги кетма-кетликда ифодаланади: аввало ундош товушнинг борлиги (йўқлиги) ҳолатини фарқлаш англаб олинади, кейин эса – сонор ва шовқинли, қаттиқ ва юмшоқ, жарангсиз ва жарангли ва ниҳоят, хуштакли ва шивирловчи товушлар фарқланади. Қаттиқ ва юмшоқ, шовқинли ундошлар сонорлардан олдин фарқлаб олинади.

Бугунги кунда дизартрия нутқ нуқсонини аниқлашдаги логопедик назариялар ва амалиёт дизартрия нутқ нуқсонларининг енгил турларини очиб бера олади. Уни таърифлаш учун турли атамалар қўлланилади: «енгил дизартрия»; «марказий органик ёки мураккаб дислалия»; «мураккаб тилдаги кафолат»; «заиф» артикуляр бузилиш шакллари; «оз» (муқобил тарздаги «кўп» ва «ўртача»га нисбатан); «(ўчган, суркалган) стёртая» дизартрия; «минимал дизартрик нуқсон».

XX аср биринчи ярмидаги адабиётларда фалажланишнинг енгил шакли тўғрисидаги маълумотлардан парчалар, улар учун характерли бўлган ҳаракат хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар учрайди. М.О.Гуревич ва Н.И.Озерский таъкидлайдиларки, асаб тизими фаолиятидаги бундай нуқсон шакллари асосан ноқулайлик, қўл маҳоратининг қониқарсизлиги, нутқдаги сезилар-сезилмас ўзгаришларни намоён қилади.

Шу тариқа, логопедик адабиётларда XIX аср охири ва XX асар бошларида товушларнинг ноаниқ жаранглаши қоришиб кетган товушларни алоҳида гуруҳ қилиб таърифланган. Бундай турдаги нутқ нуқсонини келтириб чиқарувчи тенденциялар органик нуқсонлар билан биргаликда ўрганилади. Бундай нуқсонлардан фақат биттасигина уларнинг меҳанизм ва этиологиясини очиб бера олмайди.

XX асрнинг ўрталари ва охиридаги этиология борасидаги тасаввурлар, дизартриянинг нутқий ва нутқий бўлмаган нуқсонлари характери ҳақидаги фикрлар М.Б.Эйдинова ва Правдина-Винарская; О.В.Правдина; Р.И.Мартынова; Р.А.Белова-Давид; Э.Я.Сизова; Э.Я.Сизова, Э.К.Макарова; Е.Ф.Соботович; И.И.Панченко; Г.В.Гуровец ва С.И.Маевская; Е.М.Мастюкова, М.В.Ипполитова; Л.В.Лопатина, Н.В.Серебрякова; И.Б.Карелина; В.А.Киселева; О.А.Токарева; Л.В.Мелехова, М.Морley; М.Пalmer; Н.Reef ишларида ўз ифодасини топган.

Дизартрия нутқ нуқсонининг этиологияси, бола ривожланишининг турли

босқичларида мия структураси шаклланишига таъсир этувчи органик воситалар фаоляти билан боғланади.

Туғиш жараёнларида нисбатан кўпроқ учрайдиган патология онанинг туғиш фаолятидаги заифлиги ҳисобланади. Бундай болалардаги эрта туғруқнинг ривожланиши бир қатор белгилари билан характерланади: ҳаддан зиёд безовта бўлиб ҳаракатланиш, секин-аста ва ҳеч бир асосиз йиғи, уйқунинг бузилиши. Гўдак «ҳаёт ритмининг» бундай бузилиши туғма васфиксия оқибатида бўлиши мумкин. Янги туғилган чақалоқларда псевдобульбар бузилишнинг илк аломатлари кузатилиши мумкин: заиф овоз, кўкракка талпинмаслик, сўрғични ушлашдаги қийинчилик, сўриш фаолятининг сустлиги, тез толиқиб қолиш, сўриш рефлексни бузилганидан далолат беради, лаб ва тил артикуляцион мушакларининг парези эҳтимоли бўлиши мумкин. Тез-тез бўғилиш, озиклантириш чоғида кўп сўлак ажралиши мушакларнинг эҳтимолий паретик ҳолати, тил орқали ютиниш нервининг ишдан чиққани ҳақида далолат беради. Кўкракдан озиклантиришдаги қийинчиликлар болани эртароқ сунъий озиклантиришга ўтказишга сабаб бўлади. Кейинроқ болаларда чайнаш ва ютишда қийинчиликлар кузатилиши мумкин. Бундай нуқсонлар кўпинча логопедик хулосага эга болаларда аниқланадиган: дизартриянинг энгил даражасидир.

Бундай болалардаги илк ривожланиш давр турли ва камдан-кам оғир касалликлар (айниқса, биринчи ёши даврида) билан характерланади: вирусий грипп; пневмония; ошқозон-ичак касалликларининг оғир шакли; тез-тез, қайталовчи ўткир респиратор касалликлари; отитлар; инфекциян касалликлар; тонзилгенлар интоксикацияси, баъзи ҳолатларда юқори даражада иситмалаб ҳушини йўқотиш билан юз бериши; бошдаги жароҳат, зарбалар. Аксарият тадқиқотчилар, соматик ва инфекциян касалликлари билан келган дизартрия этиологиясига оид бўлган неврологик характердаги сабаблар фаолятини чуқурлаштириши асосий рол ўйнайди деб ҳисоблайдилар. Тил ости нервлари зарарланиши билан боғлиқ нуқсонлар асосий ҳисобланади (XII жуфт). Унинг намоён бўлиши турличадир: тилнинг ёнга, тепага, пастга ҳаракатланишидаги чекланиш; тил учининг пассивлиги, тилнинг ҳаддан зиёд кучаниши, тилнинг бир қисмидаги заифлик, айтилган ҳолатда тутиш чоғида тилнинг бесаранжомлиги, тил учининг дифференцияланмаган ҳаракати, ҳаракат суръатини оширганда тилнинг қотиши, мушаклар толиқишининг ортиб бориши, аниқлик, координациянинг йўқолиши, сўлак окшишининг ортиши, сўриш чоғида тилнинг бошқа тарафга бурлиши, тилнинг битта ярми ва унинг атрофиясида парез, фибрилляр буқиш ва бошқалар. Кўзни ҳаракатлантирувчи нервлар функциясининг зарарланиши бир тарафлама птоза шаклини (юқори ковокнинг нормал ҳолатини йўқотиб пастга тушишидир) кўрсатади, бирлашиб келувчи ва узоклашувчи ғилайлик; кўз олмачасининг ҳаракати ҳажми энгил турдаги ташқи қорачик билан чекланишгагина бориб етиши, аккомодация (кўзнинг турли масофадаги нарсаларни очик равшан кўришга мослашуви) ва конвергенция (турли аждодлардан келиб чиққан организмларда бир хил ташки муҳит таъсирига ўхшаш белигиларнинг пайдо бўлиши) учун синовлар қилинганда конвергенциянинг энгил парезлари юзага келади; нистагм, анизокор (кўз қорачиғининг икки

хил бўлиши) бўлганида. Уч шохли нерв (V жуфт), тил халқум нерви, ютиниш (IX жуфт) ва сайёр нерв (X жуфт) асаб тизимининг оғир турдаги бузилиши, одатда, кузатилмайди. Бир қанча вазиятларда айрим тадқиқотчилар томонидан юмшоқ танглайнинг қисқаришида етишмовчилик кузатилади; кичик тилчанинг енгил фалажланган тарафига қарама-қарши тарафдан талага тортишиши, тил орқали ютиш ва сайёр нервларнинг бир ёқлама зарарланишидан далолат беради. Юз нервларининг носимметрик жойлашуви (VII жуфт) асосан юз -лаб нервларининг ўнг ёки чап тарафи фалажланиши ҳисобига кузатилади, бу эса, ўз навбатида жағ, тишлардаги нуқсонларни, юз лунжининг бир тарафлама шишини келтириб чиқаради. Бош суяк мия нервлар фаолиятидаги нуқсонлар мушаклар координацияси умумий мувозанатининг бузилиши ва гиперкинезларни келтириб чиқарувчи қобик ва қобик ости бузилишлар асосида пайдо бўлиши мумкин.

Бош миянинг органик зарарланиши нафақат неврологик тизимда патологик кўринишларни пайдо қилади, балки вегетатив нерв тизимидаги рефлекс-тор муҳитнинг ҳам бузилишига олиб келади. Вегетатив нуқсонлар қафт ва товон гипергидрози, акроцианози, дермографизмида (ок, барқарор, кизил), энурезда, трофик бузилишларда (нейродермит, терининг қуриши, семизлик ва бошқалар) пайдо бўлади. Дизартриянинг енгил даражасига эга бўлган болалар рефлектор муҳити бир қатор хусусиятлари билан характерланади. Аксарият ҳолларда қуруқ томир ва периосталь рефлекслар жонланади. Тери рефлекслари фалажланиш тарафига қараб пасаяди. Бир қатор вазиятларда орал автоматизми рефлекслари (кидирув, харгумли, қафт-дахан ва бошқалар), шунингдек, Бабинский, Пуссеп, Россолимонинг беқарор, толиқувчи рефлекслари, подошвен рефлексни келтириб чиқарувчи веерсимптоми кузатилади; ги-пер-анизорефлекси кўринади. Нутқни ҳаракатга келтирувчи анализаторнинг органик нуқсони нафақат нутқ ҳаракатининг (товушларнинг артикуляциялашгани) бузилишига, балки овоз, нутқий нафас, нутқнинг темпи ва ритми, унинг оҳангдорлигини ифодаланиши бузилишига ҳам олиб келади. Нутқни шакллантирувчи нафас, овоз ва артикуляцион органлар ҳаракатининг нормал жараёни аниқ, ҳажм ва қувват жиҳатидан етарли, тезкор ва синхрон бўлиши лозим. Дизартриянинг енгил даражасига эга бўлган болаларда тўлақонли ифода ва нафасни координациялаш, фонатор ва артикуляцион ҳаракатлардаги қийинчилик, уларнинг ўзаро ҳамкорликда ҳаракатланиши мураккаблиги кузатилади.

Адабиётлар:

1. Архипова Е.Ф. Клинико-педагогическая характеристика детей со стертой формой дизартрии. // Актуальные вопросы теории и практики коррекционной педагогики. – Москва., 1997.
2. Ачилова С.Ж. Дислалия. Дизартрия”. Ўқув қўлланма. Чирчик., 2021.
3. Ачилова С.Ж. Махсус мактабгача таълим муассасаларида дизартрия нутқ камчилигини бартараф этишда логопедик иш турлари. “Мактаб ва ҳаёт” илмий методик журнали. Тошкент 2021, 1 сон.
4. Ачилова С.Ж. Логопедическая работа в специализированных учреждений с диагнозом дизартрия. Халқ таълими. Ўзбекистон Республикасининг халқ таълими вазирлигининг илмий- методик журнал. Тошкент 2021, 1 сон январь-феврал.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болаларда нутқнинг фонетико-фонематик жиҳатдан ривожланишининг ўзига хослигини илмий назарий жиҳатдан очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье научно обоснована специфика фонетико-фонематического развития речи у детей с дизартрическими нарушениями речи.

SUMMARY

The article scientifically substantiates the specificity of the phonetic and phonemic development of speech in children with dysarthric speech disorders.